



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 15 октябрь, № 219 (8562)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Тошкент шаҳридаги янги инфратузилма иншоотлари ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди.



Сўнгги йилларда пойтахтимиз ҳам аҳоли, ҳам ҳудуд жиҳатидан ўсмоқда. Мухандислик тармоқлари қуввати шунга мутаносиб тарзда ошириб боришмоқда.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманида, “Пахтакор” стадиони яқинида янги подстанция қурилди. Лойиҳа доирасида “Тракторсоз” подстанцияси-дан 19 километрдан зиёд кабель тортилиб, 2 та трансформатор ўрнатилди. У келгуси ойда ишга туширилади. Бунинг натижасида пойтахтимиз марказида кафолатланган 130 мегаватт қўшимча электр энергияси ҳосил бўлади. Шаҳардаги бошқа подстанцияларга юклама камайиб, авариявий ҳолатлар эҳтимоли 60 фоизга қисқаради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри электр таъминоти тизимидаги қурилиш ва модернизация ишларига оид тақдимот билан танишди. Яна бешта подстанция қурилаётгани ва тўрттаси янгиланаётгани, уларда жами

850 мегаватт қўшимча қувват яратилиши қайд этилди.

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар бош шахримизда, айниқса, яққол намоён. Бугунги кунда Тошкент — улкан бунёдкорлик, замонавий бизнес, илм-фан ва маданият марказига айланди. “Tashkent city”даги мухташам бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшди. Бу ердаги Халқаро конгресс марказида кўплаб форум ва анжуманлар бўлиб ўтган. Келгусида яна қатор нуфузли саммитлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, шинамлик даражаси юқори меҳмонхоналар, концерт ва опера театри барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари улардаги қурилиш жараёни билан танишди. Ушбу мажмуа юртимизда санъат ривожини янги даражага кўтариш, маданий тадбирларни юқори савияда ўтказишга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, Президент “Tashkent city” марказида қурилиши якуний босқичда бўлган бир қатор бошқа иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Шайхонтоҳур туманидаги 3-сонли иссиқлик марказини бориб кўрди.

Мазкур мажмуа 1972 йилда қурилган. Бу ердаги 5 та қозонхона 400 Гкал қувватга эга. Жами 491 та кўп қаватли уй, 150 дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасаларига иссиқлик етказиб беради.

Ўтган қишда ҳаво кескин совиб кетиши оқибатида табиий газ босими пасайиб, истеъмолчиларга иссиқлик етказиш қийин бўлган эди. Шунинг учун жорий йилда иссиқлик марказида муқобил ёқилгидан фойдаланиш имкони яратилди. Хусусан, мазут ҳўжалиги қурилиб, қозонларнинг иккитаси аралаш шаклда — газ ва мазутда ишлашга мослаштирилди. Барча

қозонхоналар таъмирланди. Шунингдек, газ босимини таъминлаш мақсадида иншоотга 4,6 километр алоҳида қувур тортилди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилди. Хусусан, тармоқ 30 даража совуқ ҳароратгача барқарор ишлайди. Бундай пайтларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши камайтилган. Натижада аҳолига 65 даражадан кам бўлмаган иссиқлик етказиб берилади.

Худди шу тартибда 5-сонли иссиқлик маркази ҳам модернизация қилинган.

— Очиги, узок йиллар давомида бу тизимга эътибор бўлмаган. Иссиқлик корхоналари эски ресурсда, эскича услубда ишлаб келган. Лекин олинган иссиқлик сарфланган ҳаражатга нисбатан ўзини оқламади. Бундан одамлар ҳам рози бўлмади, корхоналар ҳам манфаат топмади. Ўтган йилги синовдан ва имкониятларимиздан келиб чиқиб, иссиқлик таъминотини модернизация қилаёلمиз. Энди иссиқликни сақлаш ва тежаш чораларини кўриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ишга туширилган когенерация иншоотини кўздан кечирди.

Маълумки, ўтган қишдаги аномал совуқда иссиқлик таъминотида узилишлар рўй берди. Чилонзор туманининг Оқтепа ва Боғзор маҳаллалари вазият мураккаб бўлган ҳудудлардан эди. Бу ерда 50 та кўп қаватли уй, 7 та ижтимоий муассаса ва ўнлаб тадбиркорлик шохобчалари бор.

Ушбу ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун бу ерда бир вақтнинг ўзida иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарадиган когенерацион қурилмалар ишга туширилди. Улар соатига 4,6 МВт электр энергияси ҳамда 29 гигакалориядан ортиқ иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эга.

Туркиянинг “Iteko” компанияси билан биргаликда амалга оширилган лойиҳага Германиядан газ-поршенлар ҳамда “Bosch” қозонлари келтириб ўрнатилди. Шунингдек, қозонхонадан истеъмолчиларгача бўлган барча иссиқлик таъминоти инфратузилмаси реконструкция қилинди. Иссиқлик магистрали алмаштирилди, ҳар бир тураржой биноси ва ижтимоий объектларда алоҳида иссиқлик тақсимлаш пунктлари ўрнатилди. Жами 13 минг метр узунликдаги иссиқлик тармоқларини янги, изоляцияли қувурларга алмаштириш ҳисобига тўлиқ ёпиқ тизимга ўтказилди ва йўқотишлардан ҳимоя қилинди.

Лойиҳанинг яна бир самарали жиҳати — иссиқлик тақсимлаш пунктлари махсус датчиклар билан жиҳозланган. Ҳаво совиб ёки иссиқ кетишига қараб, уй ичидagi ҳарорат мўътадил сақлаб турилади.

Мажмуа ишга туширилиши натижасида йи-

лига 5,3 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади. Атмосферага чиқадиган ифлослан-тирувчи моддалар 67 фоиз камаydi, оқова сув ташламалари эса умуман бўлмайди.

Боғзор ва Оқтепа маҳаллаларидаги трансформаторлар алмаштирилди, электр узатиш тармоқлари янгидан тортилди. Бунга қўшимча, кўп қаватли уйлар тепасига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва тегишли соҳалар мутасаддилари куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ахборот берди. Давлатимиз раҳбари энергетика, коммунал, қурилиш ва сервис компаниялари каби барча воситаларни сафарбар қилиб, таъмирлаш ишларини якунига етказиш, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарор қилиш, бу борада халқ назоратини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Яшил макон” лойиҳаси доирасида қузги дарахт экиш мавсумини бошлаб берди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Боғзор маҳаллаларига ташрифи чоғида жамоатчилик билан бирга кўчат экди.

Президентимиз ташаббуси билан дарахт экиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш катта ҳара-катга айланмоқда. Бу мавсумда 85 миллион туп кўчат ўтказилиши мўлжалланган. Ўрмон ҳўжа-лиги агентлиги томонидан ҳар бир маҳаллага 200 тадан кўчат бепул етказиб берилади. Шунингдек, 15 октябрдан барча туман ва маҳал-лаларда кўчат ярмаркаси ташкил қилинади.

Маҳалла аҳолиси билан сўхбатда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ҳақида сўз берди.

— Бугун келишимиздан мақсад — ўтган йил-ги сабоқдан натижа нима бўлганини кўриш, — деди давлатимиз раҳбари. — Бунинг учун ке-ракли қарорлар қабул қилдик, катта маблағлар ажратдик. Хориждан технологиялар, мутахас-сислар олиб келдик. Соҳа ходимлари қўшимча ўқитилди, уларнинг ойилклари оширилди. Ҳозир раҳбарларга ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўп қаватли уй, мактаб, шифохоналарга кириб, иссиқликни кафолатлаш бўйича яна топшириқ-лар бердим. Энг муҳими, бу борада халқ назо-ратини йўлга қўямиз. Шу билан бирга, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш керак. Сизга ўхшаган кўпни кўрган инсонлар, зиёлилар бун-да намуна, давлатга кўмакчи бўлиши зарур.

Жамоатчилик вакиллари куз-қишга тайёргарлиқни, юртимиздаги ўзгаришларни эъти-роф этиб, ўз уйлари ва барча муассасаларда иссиқликни асрашда жонқуяр бўлишларини таъкидлашди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ва МДХ маконида юритаётган ўзаро манфаатли ташқи сиёсати туфайли давлат раҳбарлари ўртасида қулай сиёсий муҳит ва ишонч шаклланди

Шу йилнинг 13 октябрь куни Бишкекда МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбат-даги саммити бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича “соатларни тугрилаб олишди” ва долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича бир қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Мажлис доирасида Президент Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини

мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун таъкилотнинг олий мукофоти — МДХ Фахрий нишони топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакики, МДХ саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ташаббус ва таклифлар хорижий экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Виктория ПЕРСКАЯ,
Россия ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Халқаро иқтисодий
муносабатлари ўрганиш институтини директори:



— Шуни алоҳида таъкид-ламоқчиманки, бугунги кун-да Ҳамдўстликнинг замона-вий иқтисодий ривожлани-шида Ўзбекистоннинг ўрни жуда муҳимдир.

Ўзбекистон МДХ ташкил топганидан бери савдо-иқтисодий алоқаларни чу-қурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқлари-ни ривожлантириш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаат-ли асосда иқтисодий ало-қаларни мустаҳкамлаш та-рафдори бўлиб келган.

Ҳамдўстлик доирасида Ўзбекистон ташкилот низо-м ва тармоқ тузилмалари фаолиятида фаол иштирок

этади. Хусусан, “йўл хари-талари”ни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон 24 та соҳавий ҳамкорлик органи-за-цияда қўшилди, натижада МДХ-нинг 86 та органидан 65 та тармоқ тузилмалари фаоли-ятида иштирок этмоқда, уларнинг мақсадли вазифа-лари миллий манфаатларга мос ва ўзбек томонининг қизиқишини тасдиқлайди.

Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарларининг учрашуви томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг асосий нати-жаларини сарҳисоб қилди ва Ҳамдўстлик доирасида-ги кўп томонлама алоқалар-

нинг янги уфқларини ривож-лантиришга қаратилди.

Хусусан, Самарқанд шаҳ-рини 2024 йилда МДХнинг “Маданият пойтахти”, Тош-кент шаҳрини эса “Ёшлар пойтахти”, деб эълон қилиш бўйича қарор лойиҳалари Қирғизистонда бўлиб ўтган саммит йиғилиши якунлари бўйича ҳужжатда ўз аксини топди.



Тараддуд

САМАРҚАНД – ЯНА БИР ЙИРИК АНЖУМАН МЕЗБОНИ

Жорий йилнинг 16 – 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг XXV сессияси бўлиб ўтади.

Мазкур йирик анжуманда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларидан сайёҳлик соҳаси вакиллари, халқаро ташкилотлар, шунингдек, туристик компаниялар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этиши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда бундай нуфузли тадбир илк бор ўтказилаётган бўлиб, бу Ўзбекистон туризм соҳаси равожида муҳим ҳисобланади. Шу боис қадим кентда бўлажак мулоқотларга тайёргарлик қизғин.

Самарқанд шаҳрида тадбирнинг барча жиҳатини мувофиқлаштирувчи қароргоҳ ташкил этилган. Иштирокчилар, чет эллик меҳмонлар ҳамда маҳаллий аҳолининг қулай ҳаракатланишини таъминлаш чоралари қўрилди. Кўча ҳамда хийбонлар, анжуманлар ўтказиладиган Самарқанд халқаро туристик маркази ҳудуди ўзига хос тарзда безатилган.



КИНО САНЪАТИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда кинематография имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги директори Фирдавс АБДУХОЛИҚОВнинг фикрлари билан қизиқдик.

Биз ва жаҳон

— Фирдавс Фридунович, дастлаб туризм ривожлантиришга миллий кинематография тизими томонидан қилинаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда Президентимиз томонидан

кинематографияни ривожлантиришга ҳар қачон-гидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Кейин-ги йилларда бу ўзгаришлар самараси кўзга яққол ташланаяпти. “Ўзбекфильм” павильони, “Кино-чилар уйи”да амалга оширилган улкан бунёд-

ТУРИЗМ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

корлик ишлари, миллий фильмларимизнинг сон ва сифат жиҳатдан юқалиб бораётгани, хорижий кинофестивалларда эришаётган ютуқлари-миз, Бутунроссия давлат кинематография инсти-туту Тошкент филиалининг очилиши, Миллий кино фонди, Миллий кино музейининг янги бинолари ишга туширилиши — буларнинг барчаси ҳақида узок гапириш мумкин.

Айни дамда Кинематография агентлиги томони-дан Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини омма-лаштириш, маданият, санъат, туризм ва маданий ме-рос соҳаларидаги янги ислохотлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш борасида ҳам қатор ишлар бажарилмоқда.



ПАРТИЯ РЎЙХАТИДАН ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ҚАНДАЙ ЧИҚАРИЛАДИ?

Мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини ҳамда фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш демократик ислохотларнинг муҳим босқичи саналади. Шу боис уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш жараёнида муайян гоё ва мақсадларни кўзлаб иштирок этишларини таъминлашда аралаш сайлов тизимига ўтиш таклифи анчадан бери илгари суриб келинмоқда.

Бунда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг 50 фоизи мажоритар, ҳозиргидек муайян округлар бўйича энг кўп овоз олган номзодлар сайланиши, қолган 50 фоизи эса пропорционал, яъни аниқ бир шахсга эмас, балки партияга овоз бериш орқали партиялар томонидан кўрсатилган рўйхат асосида номзодлар сайланиши назарда тутилди.

Бундай сайлов тизимида партиялар муҳим ўрин тутади. Улар аҳоли билан муносабатларининг таъсирчан ва натижадор бўлишига ҳаракат қилади. Партия ўз дастури орқали халқни ишонтира олсагина муайян овозга эришади. Бу эса жамиятимизда сиёсий плюрализм бўлишини таъминлайди.

Пропорционал сайлов тизимида депутатликка номзодлар сиёсий партиялар томонидан партиявий рўйхат асосида тақдим этилади. Агар халқро амалиётга эътибор берадиган бўлсак, қатор хорижий давлатлар қонунчилигида, шунингдек, Венеция комиссиясининг "Сайлов масалалари

оид лозим даражадаги амалиёт тўғрисида"ги кодексида "партиявий рўйхат" (party list) тушунчаси қўлланилган.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан Сайлов кодексини янги 40¹ ва 42¹-моддалари билан тўлдириш таклиф этилаётир. Ушбу янги моддаларда сиёсий партиялар томонидан шакллантирилган депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатини рўйхатга олиш ва партия рўйхатидан депутатликка номзодни чиқариш тартиблари ва аниқ механизмлари белгилаб берилмоқда.

Хусусан, 40¹-модда партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, рўйхатга олиш учун тегишли ҳужжатлар рўйхатга олиш мuddати тугашига қамда етти кун қолгунга қадар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши, партия рўйхатини белгиланган

тартибда рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида туғаланиши, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарнинг беш кунлик мuddатда Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилиниши, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партия рўйхатига киритилганлар депутатликка номзод макomini олиши ва уларга гувоҳнома берилиши тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган.

Айтиш жоизки, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партия рўйхатларини кенг жамоатчилик эътиборига эълон қилиш қоида-сининг белгиланиши, сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг жорий этилаётган очиклик ва ошқоралик принципларига тўла мос келади. Шунингдек, айрим ҳолатларни истисно қилган ҳолда, рўйхатга олинган партия рўйхатига ўзгартириш киритиш мумкин эмаслиги қоида-сини ҳам таклиф этилаётган моддада мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бу киритилаётган қоида-сини муҳим нормалардан бири, деб айтиш мумкин. Сабаби ушбу қоида партия томонидан шакллантирилган номзодлар рўйхатига ташқаридан таъсир кўрсатишининг ҳар қандай имкони-ни билан, инсон омиллини минималлаштиришга ҳамда коррупция-ген ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Сир эмаски, амалдаги қонун-

чилигимизда мажоритар сайлов тизими асосидаги депутатликка номзодларни номзодлик макомидан махрум этиш ҳамда унинг номзодликдан воз кечишига оид қоидалар белгиланган. Худди шундай, пропорционал сайлов тизимида партиявий рўйхат асосида берилган депутатликка номзодларни номзодлик ҳуқуқидан махрум этиш ва воз кечиш институти қонун лойиҳасида белгилаб берилмоқда. Яъни ушбу муносабатларни тартибга солиш учун лойиҳа билан Сайлов кодексига киритилаётган 42¹-моддада партиявий рўйхатга киритилган номзодларни ушбу рўйхатдан чиқаришининг аниқ 9 та асоси белгилаб берилмоқда.

Мазкур моддада агар депутатликка номзод ихтиёрий ариза берганда, партия аъзоллигидан чиққанда, номзодлик макомидан махрум этилганда, депутатлик ваколатига мувофиқ келмайдиган лавозимга ўтганда, унинг бошқа партия рўйхатида ҳам номзоди кўрсатилганда, бошқа партиянинг аъзоси эканлиги аниқланганда, вафот этганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек, оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда, унинг бир мандатли сайлов округидан ҳам номзоди кўрсатилганда партия рўйхатидан

чиқарилиши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Шу ўринда агар юқоридаги асосларга кўра, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партиявий рўйхатдаги номзодлар ушбу рўйхатдан чиқарилса ёки пропорционал тизим асосида шакллантирилган депутатлик ўрни бўшаб қолса, уларнинг ўрни қандай тўлдирилади, деган ҳақи са-вол туғилади. Бундай ҳолатларда лойиҳа билан шундай қоида бел-гиланяптики, унга кўра бўшаб қолган номзод ёки депутат ўрни те-гишли партия рўйхатидаги кейин-ги навбатдаги мандатга эга бўлмаган номзодлар ҳисобидан рўйхат кетма-кетлиги асосида тўлдирилади.

Умуман олганда, Конституция-вий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида рефе-рендум ва сайлов тўғрисидаги қонунчилик янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштири-лади. Марказий сайлов комиссия-си, ҳудудий, туман ва шаҳар сай-лов комиссияларининг ваколатла-ри аниқлаштирилиб, Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришининг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилиши-нинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

ТИЛИМИЗ
СОФЛИГИ
УНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИНИ
ТАЪМИНЛАЙДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиларнинг икки кунлик республика семинари бўлиб ўтди. Тадбир аввалида иштирокчилар улуг мутафаккир бобомиз Мир Алишер Навоийга эҳтиром сифатида унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодир Холбўтаев семинар иштирокчиларини 21 октябрь — Ўзбек тили байрами билан табриқлар экан, мазкур тизим ўз фаолиятини бошлаганидан буён амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларни жонлантириш учун республика миқёсида семинарлар ўтказиб туриш мақсадаги мувофиқ эканини таъкидлади. Чунки тил бўйича қўпалаб масалалар ана шундай тадбирлар асо-сида ўз ечимини топиши мумкин. Келажақда эса бундай семинарлар умумхалқ форуми шаклида мунтазам давом эттирилади.

Дунёда 7 мингга яқин тил-лар мавжуд бўлиб, ҳар бири-нинг ҳуқуқий мақоми, ўз ўрни бор. Ўзбек тили ҳам халқининг бир неча минг йил-лик қадриятлари, тафаккури ҳамда илмий салоҳияти маҳсулидир. Зеро, тилиннг барҳаётиги, унинг софлиги фақат ва фақат шу тилдан фойдаланувчи халқнинг та-факкурига ҳамда миллий ўзлигига боғлиқ. Мустабид тузим даврида миллатнинг маданияти, санъати ва тилини асраб қолишни маъри-фатпарвар зёбиларга жадид боболаримиз ўзларининг энг муқаддас бурчи, деб билган-лар. Зеро, миллатни асраш — тилини асраш, қадриятлар-ни, урф-одат, анъаналарни асраш демакдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ҳамда халқро миқёсдаги нуфузи-ни ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни она тилимизга, халқимизнинг минг йиллик тарихи, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат руҳи-да тарбиялаш мақсадида давлатимиз раҳбари томони-дан "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Фармони қабул қили-ниши мамлакатимизда давлат тили нуфузини оши-ришга қаратилган яна бир қадам бўлди.

Унга кўра, давлат тили

тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларига риоя этилиши усти-дан давлат назорати ташкил қилиниши баробарида, уни ривожлантириш ҳамда мав-жуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилиши каби бир қатор амалий иш-лар кўзда тутилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллик тантанасини, том маънода, тилимизни ривож-лантиришга берилган алоҳи-да эътибор, дейиш мумкин. Чунки мамлакатимизда бу сана Ўзбек тили байрами кун сифатида белгиланди. Давлат тилини ривожланти-риш департаменти ташкил этилди. Бу борада барча раҳбар кадрларнинг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси иш бошлади. Хаммамизга маълум, давлатимиз раҳбари ўз сай-ловолди дастурида давлат тилини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, кун тартибига кўпгина маса-лаларни қўйган эди. Ана шу вазифаларни бахариш кўп жихатдан Давлат тилини ри-вожлантириш департаменти-га боғлиқ.

Она тилимизни асраб-авайлаш, чинакам ворислик қилиш, тил ривож ҳама софлиги йўлида хизмат қилиш учун барчамиз бир-дек масъулмиз. Шунинг ҳеч биримиз унутмаслигимиз ло-зим. Қайси мамлакатда мил-лий тил давлат тилига ай-ланган бўлса, ўша юрт та-раққий этади. Халқнинг маънавий ва мафкуравий қарашлари такомиллашади, ривожланади.

Икки кун давом этган се-минар доирасида бир қатор тадбирлар, хусусан, "Рақам-ли Тошкент" геохаборот ти-зими ҳамда milliy.uz платформаси тақдирлари ўтказилди. Шу билан бирга, анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган "Қадринг баланд бўлсин, она тилим!" танлови бўйича голибликни қўлга киритган зукко йигит-қизларга қимматбаҳо совға-лар ҳамда сертификатлар топширилди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Акс садо
КЕНГ ҚАМРОВЛИ
ШЕРИКЛИК
ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги, аввало, ички сиёсат, талаб ва эҳтиёж, қисқа айтганда, миллий манфаатлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига расмий таширифи икки давлат ўртасидаги кўп қиррали, стратегик ҳамкорлик даражасидаги муносабатларни ривожлантиришга, мазмунан тўлдиришга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Аввало, таъкидлаш жо-изки, икки давлат муноса-батларида савдо-иқтисод-дий, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш, худуд-лараро алоқаларни ривож-лантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон савдо ҳаж-мини ошириш, сармоявий, транспорт ва транзит со-ҳаларида ҳамкорлиқни янги босқичга кўтаришдан ман-фаатдордир. Жумладан, тўқимачилик ва енгил са-ноат, мева-сабзавот маҳ-сулотларимиз учун Россия улкан бозор ва транзит худуд ҳисобланади. Жорий йил январь — июль ойла-рида ўзаро товар айирбош-лаш ҳажми 5,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Шундан экспорт улуши 1,64 млрд. доллар ва экс-порт таркибида 624,5 млн. долларга тенг бўлган энг юқори улуш тўқимачилик маҳсулотларидан иборат бўлган. Импорт таркибида энг юқори улуш ёқилғи-энергетика ва қора металл маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

Таширф давомида ёқилғи-энергетика соҳа-сида эришилган келишувлар мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари сонининг мунтазам ўсиб бораётганлиги, иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз энергия билан таъминлаш-га бўлган ўсувчан эҳтиёж-ни таъминлашда айнаи му-дао бўлди. Ўзбекистон бу соҳада илгари ташқи бозор-га, асосан, ҳомашё етказиб берган бўлса, бугунги кун-да тайёр тўқимачилик ва енгил саноат буюмлари экс-порта чикарилмоқда.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам тўқима-чиликда калава ипни қайта ишлаш даражасини 100 фоиз-га етказиш ҳамда юқори сифатли матога талабни қондириш учун 400 минг тонна сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чарм-пойаб-зал саноатига 30 дан ортқ нуфузли хорижий бренд-ларни жалб қилиш ҳисоби-га қўшилган қийматни 5 ба-робарга ошириш вазифаси

қўйилганлиги бу соҳада ул-кан салоҳиятга эга эканли-гимизни кўрсатади. Маъ-лумот ўрнида айтиш керак, етарли микдорда сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқа-риш бизга Россия бозори-даги кузги-қишки қийим-ке-чак маҳсулотлари улушини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, мамлаката-мизда тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларининг доимий халқро кўргазма-ярмаркалари ўтказиб кели-нади. Унда дунёнинг энг илгор ишлаб чиқарувчила-ри ва машҳур брендлари ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этишади. Россия ва бошқа қўпалаб давлатларда савдо уйлари фаолияти йўлга қўйилган.

Хусусан, Президенти-мизнинг Россия Федера-циясига 2017 йилдаги давлат таширфи давомида худудлараро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича ке-лишувларга эришилган. Бу-нинг натижасида икки давлат ўртасида худуд-лараро ҳамкорлик, иқтисо-дий интеграция, тармоқ-лараро кооперация алоқа-лари кескин фаоллашди. Фақат 2022 йилнинг ўзи-да ўзаро 77 маротаба худудий делегациялар таширфи амалга оширилгани диқ-қатга сазовордир.

Хулоса ўрнида айтганда, ўзаро манфаатли ҳамкор-лик маҳаллий ҳомашё ба-засидан самарали фойда-ланиш ва илгор техноло-гияларга асосланган са-ноатни ривожлантириш бўйича муҳим кўрсаткичлар, хусусан, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга ет-казиш, саноатнинг драйвер соҳаларини ривожланти-риш ва худудларнинг сано-ат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажминини 45 млрд. долларга етказиш, 2,5 мил-лионга юқори даромадли иш ўрни яратиш каби ва-зифаларни амалга оши-ришга хизмат қилади.

Ботир МАРДАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Таълимда сифат ва самарадорлик муҳим

Кейинги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муносабат

Хусусан, олий ўқув юр-тлари модернизация қили-ниб, замонавий ва илгор таълим технологиялари би-лан жиҳозланди. Олий таъ-лим қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юкламаларини мак-буллаштириш, соҳага ра-қамли технологияларни жорий этиш, молиявий мустақиллигини таъминлаш-га эришилди.

Олиб борилган бу каби ижобий ўзгаришлар нати-жасида юртимиздаги халқ-аро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаётган олий ўқув юртлари сони ортмоқда. Биргина Буюк Брита-нияннинг нуфузли рейтинг ташкилоти "Times Higher Education" агентлиги томо-нидан ҳар йили эълон қилинадиган "World University Rankings" рей-тингида мамлакатимизда-ги 28 та олий ўқув муасса-саси "TOP-1000" талиқдан жой олиш учун даввоғар-лар рўйхатида қайт этил-ган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 48 тага етди.

Албатта, бундай натижа-ларга эришилишида қабул қилинаётган манзилли дастурларнинг аҳамияти катта. Шу боис жамоамиз билан Президентимиз то-монидан шу йил 11 сен-тябрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарорни мамнуният билан қутиб олдик.

Стратегиянинг асосий мақсади — янги Ўзбекис-тонни қуриш госяси асо-сида амалга оширилаёт-ган, ҳаммамиз кўриб, би-либ турган кенг қўламли ва айнаи вақтда халқпарвар ислохотларни изчил давом эттириш, соҳа ва йўналиш-ларни янада ривожланти-ришга қаратилган бўлиб, ҳамият тараққиётида му-ҳим из қолдириши, шубҳа-сиз.

Зеро, стратегияда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифати ҳамда илмий тадқиқотлар нати-жадорлигини ошириш, му-



ассасаларнинг ташкилий-бошқарув фаолиятини та-комиллаштириш, уларнинг моддий-техника таъмино-тини мустаҳкамлашга ало-ҳида эътибор қаратилгани таълим тараққиётини таъ-минлашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоиз, сўнгги беш йил давомида Анди-жон машинасозлик инсти-туту хорижининг ўттизга яқин олий таълим муасса-салари билан ҳамкорлик меморандумларини имзо-лади. Бу эса таълим тизи-мида сифат ва самарадор-ликка эришиш, ўзаро таж-риба алмашиш имконини берапти. Айнаи чоғда, ушбу шартномалар қўшма таъ-лим дастурлари асосида "икки дипломли тизим"ни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Стратегияда "ТОП-500"га қирадиган чет эл университетлари билан ҳамкорликда қамда 50 та қўшма таълим дастури асосида "икки дипломли тизим"га ўтиш каби маса-

лаларга алоҳида ургу бе-рилгани жамоамизни яна-да кўпроқ ишлаш ва таъ-лимда инновациялар усул-лари жорий қилишга ум-дамоқда.

Қайд этиш лозим, мак-таб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш да-ражаси 2016 йилда 9 фо-изни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 25 фоизга, 2022 йилда эса 38 фоизга етган. Стратегияда айнаи шу масалага алоҳида эъти-бор қаратилиб, қамров да-ражасини 2030 йилга қадар 50 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу таби-ийки, ўқув бинолари ҳамда талабалар тураржойлари-га бўлган талаб ҳам ортади, дегани. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида айнаи шу масалалар ҳам инобат-га олиниб, республика бўйлаб қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли та-лабалар тураржойларини қуриш режалаштирилган.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойде-ворини қуришда асосий дастуриламал ҳисобланув-чи "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимиз ривожининг пухта асосла-рини ўзида қамраб олгани билан эътиборга молик.

Умид ТУРДИАЛИЕВ,
Анджон машинасозлик
институтини ректори.

Навоийлик талабалар Мадрид политехника университетиди малака оширади

Навоий давлат кончили ва технологиялар университети кончили, кимё ҳамда энергетика саноати учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган нуфузли олий ўқув юртларидан бири саналади. Илм даргоҳи рейтинг бўйича республикамиз олий ўқув юртлари орасида бешинчи ўринни банд этиб, қарийб 8,5 минг талабани ўз бағрига олган.

Ҳамкорлик

— Бу 2000 йил билан солиш-тирганда уч баравардан кўпроқни ташкил этади, — дейди универси-тетнинг ўқув ишлари бўйича про-ректори Набижон Абдуазизов. — Шу давр ичида таълим муассаса-сининг илмий салоҳияти ҳам ошиб, бугун 300 кишилик педагогик жа-моамизнинг 29 нафари фан док-тори, 121 нафари эса фан номзо-ди илмий даражасига эга.

Университетнинг 19 гектарлик худудида олтиш физ майдонни лабораториялар эгаллаган. Бу на-зарий билимларни амалий жиҳат-дан мустаҳкамлаш ҳамда турли ил-мий изланишлар натижаларини си-новдан ўтказишда ҳам қўлайлик-лар яратади. Шунингдек, илм даргоҳи талабалари НКМК, "На-воийазот", "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятлари ҳамда "Навоийурган" ДК каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташиб, айнаи жараёнда уларнинг аксария-

ти ўз иш ўрнига ҳам эга бўлади. — Таълим даргоҳимизнинг сўнгги йилларда халқро ҳамкор-лик географияси ҳам тобора кен-гайиб бормоқда, — дейди универ-ситетнинг халқро ҳамкорлик бўйи-ча проректори Шухрат Аликулов. — Илгари ҳамкорлигимиз МДХ худудидидаги олий ўқув юртлари би-лан чекланган бўлса, ўтган йилдан эътиборан Европа Иттифоқига ки-рувчи бир қатор мамлакатларнинг кончили ва энергетика йўналиши-даги олийгоҳлари билан мутахас-сис кадрлар тайёрлаш мақсадида меморандумлар имзоланди. Хусу-сан, ўтган йили Испаниянинг Мадрид политехника университети билан қўшма дастур ишлаб қилчиди. Мазкур дастур асосида Навоий давлат кончили ва технологиялар университетининг бир гуруҳ олим ва тадқиқотчилари Испанияда бўлишиб, Мадрид политехника университети ҳузуридаги кончили ва саноат мактаблари раҳбарияти



билан учрашувлар ўтказди. Музо-каралар чоғида томонлар ўртаси-да аввал имзоланган қўшма даст-турга мувофиқ ҳамкорликда кадр-лар тайёрлаш ва стажировкалар ташкил этиш масалалари муҳока-ма қилинди. Унга кўра, 2024 йил январь ойида Навоий давлат кон-чили ва технологиялар универси-тетининг 5 нафар тадқиқотчи олим ва ўқитувчисини Мадрид политех-ника университети тажировкага юборишга келишиб олинди.

— Кейинги босқичда эса қўшма таълим дастурлари доирасида ба-калавр ва магистр талабаларининг Испания кончили ва саноат мак-табларида тахсил олишини йўлга қўйиш бўйича аҳдлашилди, — дея давом этади Ш. Аликулов. — Шу-

нингдек, Мадрид политехника уни-верситети талабаларини Навоий давлат кончили ва технологиялар университети академик мобили-лиги дастури асосида ўқитиш маса-лалари хусусида ҳам дастлабки ке-лишувга эришилди. Сафар давомида НДКТУ олим-лари Испаниянинг Овиедо универ-ситетида ҳам бўлди. Мазкур олий-гоҳ раҳбарияти билан имзоланган меморандумга асосан универси-тетлар ўртасида ўзаро алоқалар-ни янада жадаллаштириш, кончи-лик, металлургия, кимёвий техно-логия мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг ста-жировкасини Овиедо университе-тида ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Европа Иттифо-қининг "Эразмус+" дастури асо-сида Ўзбекистон олий таълим муас-сасалари талабалари ва профессор-ўқитувчиларини Овиедо универси-те-ти қошидаги политехника макта-бида ҳамда унинг тадқиқот марка-зида қисқа мuddатли стажировка ўташларини йўлга қўйиш бўйича шартнома имзолашга келишилди. Шунингдек, эндиликда қўшма таълим дастурлари доирасида НДКТУ талабалари Мадрид поли-техника университети кончили мактабида тахсил олади ҳамда мазкур олийгоҳнинг илмий-тадқи-қот марказида олимларимиз таж-риба алмашади.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Боғдорчилик

САРЧАШМА ОЛМАЛАРИ
ХОРИЖДА ҲАМ
ХАРИДОРГИР

Сарчашма маҳалласи Дехқонобод туманининг олис ва чекка аҳоли яшаш манзилларидан бири ҳисобланади. Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган бу худуднинг мусавфо ҳавоси, зилол суви, унумдор тупроғи, айниқса, мева-чева етиштириш учун жуда қулай.



Меҳнаткаш, интилувчан қишлоқ одамлари эса бу имкониятдан унумли фойдаланмоқда. Аҳоли томорқасида ҳам, деҳқон ва фермер ҳўжалиklarининг ер майдонларида ҳам шовуллаган боғларни учратасиз.

Одамларимиз, айниқса, олма етиштиришнинг ҳадисини олган, — дейди Сарчашма маҳалласидаги ҳоким ёрдამчиси Сайриддин Кўчимов. — Бу маҳаллада фақат олманинг ўзидан 300 — 400 миллион сўм даромад топаётган оилалар кўп.

Шу ерлик тажрибали боғбон Қурбонназар Норқобилов ҳам маҳалла аҳли олмдан яхши даромад топаётгани ва шунинг ортидан турмуши фаровон эканини таъкидлади.

— Боғдорчиликда ҳикмат кўп, — дейди у. — Ўзим ҳам қарийб 50 йилдан буён олма етиштириш билан шуғулланаман. Ҳозир ўғлимнинг номига боғдорчилик фермер ҳўжалигини ташкил қилганмиз. 350 туп олма дарахтимиз бор. Ўтган йили 30 тоннадан ошқ ҳосил олгандик. Бу йилги мўлжал янада чўнг.

Энди ҳисоб-китоб қилиб қўринг, айни вақтда бир кило сара олманинг ўртача улғуржи баҳоси 10 минг сўмдан кам эмас. Бу — 30 тонна олма 300 миллион сўм маблағ, дегани. Албатта, бу фермер учун кам даромад эмас. Боғдорчиликнинг меҳнатига, машаққатига чидаган одам борака топади.

Боғбоннинг айтишича, маҳсулотни сотишда умуман муаммо йўқ. Ҳар йили ҳосил йиғими вақтида боғдорчилик маҳсулотлари бизнеси билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг ўзлари келиб, улғуржи сотиб олади. Сўнг Сарчашма олмалари мамлакатимизнинг барча худудлари ҳамда хориж бозорларида етказиб берилди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).



Россия Федерациясининг Астрахань шаҳрида VIII Каспий медиафоруми бўлиб ўтди. Унда Каспийбўйи давлатлари делегациялари қаторида ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар ҳам иштирок этди. Анжуманда минтақа давлатлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳимлиги оид бир қатор мавзулар юзасидан фикр алмашилди.

Биз ва жаҳон

Шунингдек, медиатаълим ва умуман, юқори профессионал журналист кадрлар тайёрлаш борасидаги муаммолар, тажриба, тақвирлар бўйича турли мамлакатлар вакиллариининг маърузалари тингланди. Форумда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобожонова юртимизда бу борада амалга оширилган ва журналистика олий таълимининг янада ривожлантириш бўйича баҳариллаётган кенг қўламли ишлар ҳақида фикр юритди. Кейинги йилларда медиакадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган махсус олий таълим муассасаси ташкил этилган, бир неча марказий ва маҳаллий олий ўқув юртлиарида журналистика факультетлари очилгани ҳақидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборини тортди. Айни чоғда, журналистларни қайта тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Медиафорум доирасида журналистлар Астрахань шаҳри ва вилоятининг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаёти, тарихий ёдгорликлари ва табиати билан ақидан танишилди.

Астраханга оид илк тарихий қайдларга қура, шаҳар XIII асрнинг ярмида пайдо бўлгани тахмин қилинади. Яъни

Ҳожи Тархон (Астраханнинг қадимги номи) ҳақидаги илк ёзма маълумот 1333 йилда Ўзбекхон билан шу ерга келган араб сайёҳи Ибн Батуттага тааллуқли.

Астраханнинг савдо йўллари туташган манзилда жойлашгани унинг Олтин Ўрданинг тижорат марказига айланишида муҳим омил бўлган. Натижада XIII — XIV асрларда «Шарқ — Фарб» транзит тижорат ва карвон йўлининг йирик бўғини сифатида ривожланган.

Даврлар оша шаҳар ва вилоят худудига турли миллат ва элат вакиллари қўнидан топган. Шу боис Астрахань турли миллатлар ҳамжиҳатлиги ва дўстлиги мустаҳкам қарор топган манзил сифатида ҳам эътироф этилади. Шаҳар аҳолиси қарийб 469 минг нафарни ташкил қилса, миллат ва элатлар сони 200 дан ошади.

Худудда 170 та миллий маданият жамияти фаолият юритмоқда. Ана шулардан бири Астрахань — Ўзбекистон ўзбек маданиятини сақлаш ва ривожлантириш худудий жамоатчилиги ташкилотидир. Мазкур ташкилот сайёҳаракати ва Астрахань вилояти губернаторлигининг қўллаб-қувватлови билан Наврўз байрами ҳамда «Навоий-хонлик» кечаси ҳар йили кенг миқёсда

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИК
МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПГАН МАНЗИЛ

ўтказиб келинади. Эътиборлиси, бундай тадбирларда, айниқса, Наврўз шодиёнасида барча миллат вакиллари фаол иштирок этади. Сумалак, кўксомса ва бошқа миллий баҳорий таомларимиздан иборат дастурхонлар ёзилади. Астраханда ҳар йили бўлиб ўтадиган ушбу байрамлар форум минбарида ҳам эътироф этилди.

Волга Венецияси

Астрахань шаҳрига Жанубий ёки Волга Венецияси деган таъриф берилган. Бу бежиз эмас. Негаки, у Волга дельтасининг юқорисидидаги 11 та орolda жойлашган бўлиб, худудни дарёнинг асосий ва ягона ўзанидан ажралиб, Каспий томон оқадиган қўллаб ирмоқлар кесиб ўтади. Болда, Сарев, Кизан қабилар шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиш лозимки, баҳайбат Волга дарёси айни Астрахань вилоятида сон-саноксиз дарё ва ирмоқларга бўлиниб кетади ва жуда кенг майдонда дельта ҳосил қилиб, Каспий денгизига қўйлади. Ана шундай ажралган дарёлардан айримлари борки, уларнинг катталиги ва серсувлигини қўриб, яхлит Волга дарёсининг қанчалар улкан эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шаҳарнинг қўллаб сув йўллари ўтган худудда жойлашганлиги эса унга ажиб бир чирой бахш этган.

Айниқса, «Набережная» хиббони жуда қўрқам ва ҳамиша гавжум. Астрахань Кремли тарихий-архитекту-

кино усталарининг ҳам эътиборини тортмоқда. Яқинда австралиялик киноактриса, Энн Деми Героу билан суҳбатлашиб қолдим. У шундай дегани ёдимда: «Мен ўз уйимдан анча узоқда жойлашган, маданий мероси, кадриятлари дунёга машҳур Тошкент ва Самарқандга ташриф буюришни орзу қилганман. Юртингизда айнан кино байрамида бўлиш мени хурсанд этди. Ҳақамлар ҳайъати аъзоси сифатида қўллаб қиносарларнинг яратилганига гувоҳ бўлдим. Мен учун ўн бешта ўзбек фильмини кўриш имкониятининг ўзи қувонарли ҳодиса! Тадбирнинг юксак савидада ўтказилгани катта таассурот қолдирди. Кинофестивалнинг асосий қисми ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланди» дейди у.

— Хорижий телеканаллар билан алоқалар кенгайиб бораётганини ҳам қайд этдингиз...

— Томошабинларга «Россия-Культура» телеканали билан ҳамкорликда суратга олинган «Ўзбекистон. Савги афсоналари», «Янги Ўзбекистон: санъат ва маданият», «Асрлар қаъридан мактублар», «Дастурхон ҳарорати ва саховати», «Ўзбекистон. Куёшли маданиятлар туташуви», «Қўёш остидаги макон», 16 қисмли «Жониворлар билан мулоқот: Тошкент ҳайвонот боғи» фильмлари яратилди. Бу фильмлар Ўзбекистон ва Россиянинг қатор телеканаллари орқали томошабинлар ҳукмига ҳам ҳавола қилинди.

Ҳужжатли фильмлар ҳам биз учун жуда муҳим. Айтиш ҳоизки, Россия, Туркия, Буюк Британия телеканаллари билан бир қатор кинолоийҳалар яратилиб, эфирга узатилди ва Ўзбекистон маданияти ва туризмни оммалаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Турли халқаро телеканаллар, жумладан, «Россия-24», «Россия-Культура», «TRT», «BBC» ва бошқалар билан алоқалар ўрнатилди. Улар нафақат Ўзбекистон анигиликларини, балки мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга бағишланган фильмларни ҳам мунтазам эфирга узатиб боради ва биз билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширади. Энг сўнгги лойиҳалардан бири сифа-

тида Кинематография агентлиги ва «Би-Би-Си» билан ҳамкорликда «Усмон Куръонининг қайтиши» ҳамда «Катта Лангар Куръони: Фактлар ва афсоналар» фильмларини айтиш мумкин.

Шу билан бирга, биргина сўнгги икки йил давомида «Euronews» ва «CNN» телеканалларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва сармовий салоҳиятига оид мингдан ортиқ видеороликлар, репортажлар, мақолалар ва бошқа турдаги контентлар эфирга узатилди. Шунингдек, «CNN» телеканали билан Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини оммалаштиришга бағишланган икки йиллик лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга қўра, «CNN» билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг туризм ва инновацион салоҳияти ҳақида контентлар, мақолалар, видеороликлар, премиум-шоулар яратиш бўйича келишиб олинди.

— Яқинда «Ипак йўли дурдонаси» XV Тошкент халқаро кино фестивали муваффақиятли якунидади. Фестиваллар ҳам мамлакат туристик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланган Тошкент халқаро кино фестивали, мана уч йилдики, янада такомиллашиб, ўзининг аввалги мавқеини тикламоқда.

Одатда, фестиваллар турли халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва қардошлик ришталарини боғлаш учун ташкил этилади. Тошкент кино фестивали ҳам айнан ижод аҳлини, киномуҳлислари дўстлик ва тинчлик йўлида бирлаштира оляпти, деб тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин.

Бу йилги XV Тошкент халқаро кино фестивалида 5 китъа ва 51 мамлакатдан 300 нафарга яқин киноижодкорлар ташриф буюрди. Фестиваль доирасида миллий ва Марказий Осиё фильмлари танлови, «Кино 5 кунда» қисқа метражли фильмлар танлови, ТУРКСОЙ ва Европа Иттифоқи киноси кунлари, ижодий учрашувлар, кинотақдиротлар, таниқли кино усталарининг маҳорат дарслари ва бошқа қўллаб тадбирлар юқори даражада ўтказилди.

Рустам ЖАББОРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ра мажмуаси эса сайёҳлар учун энг жозибадор маскан.

Бу ерда турли даврларга оид меъморий обидалар кўп. Шу билан бирга, замонавий иншоотлар шаҳарнинг йил сайин ривожланиб бораётган кентларидан бири эканлигидан далолат беради.

Масалан, Каспий медиафоруми бўлиб ўтган Астрахань опера ва балет театри жуда маҳобатли. Меъморий ечимида Шарқ ва Фарб бинокорлик унсурлари уйғунлашган. Ушбу санъат қошонасининг қурилганига ҳали кўп вақт бўлмаган. Лекин ички ва ташқи қўриниши тарихийдек таассурот қолдиради. Дизайни ҳам гаройиб. Театрнинг катта ҳамда бир неча кичик заллари, 3 та ресторани, ҳатто мўъжаз меҳмонхонаси ҳам бор. У жами 54 минг квадрат метр майдонга эга.

Ҳўш, мана шундай салобатли ва маҳобатли театр томошабинларининг қирриш қўрсаткичи қандай? Бу саволга театрнинг масъул ходимларидан бири ҳар намоийишимизда зал ҳам, балкон ҳам қилиб тўла бўлади, деди. Демак, бу — 1200 томошабин ўрни тўлиқ банд, дегани. Яна бир эътиборли далил шуки, мазкур театрға шу вақтгача 4 та давлат Президенти ташриф буюргандир.

Балиқдан кейин тарвуз...

Халқаро VIII Каспий медиафоруми доирасида Ўзбекистонлик журналистларга мезбонлик қилган Казаньяк тумани маъмурий тузилмаси томонидан Астрахань вилоятининг ушбу тумани ва Волга дарёси бўйлаб саёҳат ташкил қилинди. Туман депутатлар Кенгаши раиси Олег Криванчиков Астрахань заминида, асосан, шoли, полиз ва сабзавот экинлари ўстирилишини ҳикоя қилар экан, машҳур Астрахань тарвузини етиштириш усули ҳақида ҳам гапириб берди.

Унинг айтишича, Астраханда умуман

«Нилуфар гуллар даласи»

Волга дарёси дельтаси — унинг Каспий денгизига қуйилиш остонасида «Лотосовые поля», яъни «Нилуфар гуллар даласи» деб номланадиган табиат мўъжизаси бор. Таъдир жоиз бўлса, бу бетакрор гулшани Астра-

Хуллас, форумда ва унинг доирасида Астрахань шаҳри ҳамда вилояти билан танишув, учрашувлар ва ижодий мулоқотларда давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатликнинг янада мустаҳкамланишидаги медиа соҳасининг муҳим ўрни эътироф этилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Тошкент — Москва — Астрахань — Москва — Тошкент

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатга маълумотларини оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6